
Янгиқишлоқ маҳалласининг ички кўчалари асфальтлаштирилмоқда

Бугунги кунда Қува туманида маҳаллаларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ишлар фақатгина бир мақсадга аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Ана шундай ишлардан бири бугунги кунда тумандаги Янгиқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан мазкур маҳалланинг 5,5 км ички кўчалари асфальтлаштирилмоқда. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 2,7 млрд.сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган

Ўз навбатида амалга оширилаётган ишлар доимий сектор раҳбарлари ҳамда жамоатчилик назоратига олинган.

2023-03-13 17:09:37